

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТЛАРИДА ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аюпов Равшан Хамдамович -
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
“Замонавий ахборот технологиялари” кафедраси профессори,
т.ф.д. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети
Отақўзиева Зухра Маратдаевна -
“Почта алоқаси технологияси” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада республикамызда рақамли иқтисодиёт шароитида почта алоқаси хизматлари ривожланишининг бугунги кун ҳолати, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган почта алоқаси хизматида тегишли бўлган кўпгина масала ҳамда муаммолар кўтарилган ва шу билан бирга муаммоларнинг истиқболда ҳал этилиши йўналишлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, почта алоқаси хизмати, миллий оператор, почта бўлими, почта тизими, почта хизматининг электрон платформаси, рақамли технологиялар, рақамли электрон логистика

Аннотация. В данной статье показано текущее состояние развития почтовых услуг республики в условиях цифровой экономики, рассматриваются вопросы, связанные с почтовой службой, которая является одним из важнейших направлений сферы информационных технологий и коммуникаций, а также освещены пути решения этих проблем.

Ключевые слова: цифровая экономика, служба почтовой связи, национальный оператор, почтовое отделение, почтовая система, электронная платформа почтовой связи, цифровые технологии, цифровая электронная логистика

Abstract. This article raises many issues related to the current state of development of postal services in the digital economy in the country, one of the most important areas of development of information technology and communications, as well as areas for future solutions.

Keywords: digital economy, postal service, national operator, post office, postal system, electronic platform of postal service, digital technology, digital electronic logistics

Кириш. Кишилиқ ҳаётининг барча давларида, инсонлар ҳаётида почта алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда айрим инсонлар қарашларида унинг ҳозирда мавқеи, аҳамияти камайган бўлиб ҳисоблансада, жаҳон амалиёти бундай қарашларнинг аксини, яъни почта алоқаси соҳасининг ҳозирги даврдаги ўрни, роли янада ортганлиги, замонавийлашганлиги, янги хизмат турлари билан бойитилганлиги, рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли технологияларига асосланган ҳолда ривожланаётганлигини кўрсатмоқда. Аҳолининг барча ижтимоий қатламларига почта хизматларининг кенг тарқалганлиги, қамровлилиги ҳамда унинг хизматларидан республиканинг барча аҳолиси фойдаланиши мумкин бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон почта хизмати фаолияти жамиятимизда катта ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби, Республика почта алоқаси хизмати ҳам мамлакатнинг барча бурчакларида почта алоқаси ва унга тегишли хизматларни кўрсатадиган, яхши ташкил этилган почта алоқаси тармоғининг афзалликларига эга. Ўзбекистон миллий почта опе-

раторини ривожлантиришнинг стратегик мақсади корхонани жаҳон сифат стандартларини амалга оширувчи юқори самарали ва рақобатбардош компанияга айлантириш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш кўп жиҳатдан янги, замонавий усуллардан фойдаланиш, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ҳамда рақамлаштиришни фаоллаштиришга боғлиқ. Почта алоқасини, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларини бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, почта хизматида рақамли иқтисодиёт дастурий-техник воситаларини тадбиқ этиш жараёнларини чуқурлаштириш ва шу соҳага хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида, 2020 йил 15 декабрда “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Қарор билан почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Асосий қисм. Охирги йилларда республикамызда почта алоқаси хизмати миллий оператори ҳисобланган “Ўзбекистон почтаси”

АЖнинг фаолиятида унинг асосий кўрсаткичларининг кескин ёмонлашуви, ислохотларнинг олиб борилиши ва рақамлаштиришга ўтишнинг сустиги, соҳа ривожланишда дунё мамлакатларидан ортда қолаётганлиги, почта алоқаси хизматлари кўрсатилишининг паст даражада эканлиги, республика ва соҳа раҳбарияти, мутахассисларнинг ташвишига сабаб бўлди. 2020 йил 5 октябр куни Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида миллий почта тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтказилган йиғилишда муҳим масалаларнинг кўтарилганлиги ва 2020 йил 14 декабрда “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4921-сон қарори, мамлакатимиз тараққиётга, ривожланиш сари интилишида муҳим бир воқеалардан бўлди, қолаверса, почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш йўлида муҳим бурилиш нуқтасини ясади ва йиллар давомида эътибордан четда қолиб келаётган, анчадан буён ўз ечимини топилишини кутаётган ушбу долзарб бўлиб турган, ижтимоий аҳамиятга эга мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳасини жонлантириб юборди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 5 октябр куни миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, айнан шу масалада, яъни, почта жўнатмаларини якуний манзилга етказиб бериш йўлга қўйилиши ҳақида сўз юритди. «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма, 7 минг нафар ходим бор. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида почта хизматининг ўрни пасайиб кетди. Хусусан, сўнгги ўн беш йилда 1 минг 300та почта бўлинмаси ёпилган. Ўтган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатмаларнинг атиги 10 фоизи, курерлик хизматларининг 30 фоизи миллий почта ҳиссасига тўғри келган», дейилди йиғилишда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, бир қанча реал тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, почта ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолияти билан шуғулланаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда “якуний манзил” хизмати жорий

этилиши, “гибрид почта” жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш хизматлари сони 2 баробарга оширилиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва мижозларга етказиб бериши имкониятини берувчи электрон савдо майдончаси ахборот тизими яратилиши, республиканинг камида 1000 та почта бўлимида, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда молиявий хизматлар турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилиш икки баробарга кенгайтирилиши ҳамда аутсорсинг асосида банк хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилиши, олис ва чекка ҳудудлардаги почта бўлимида давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилиши ва 2021 йилда 42 та намунавий туманларда (шаҳарларда) почта алоқаси корхоналарини трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи “Йўл харита”лари амалга оширилиши кўзда тутилган ва юқорида келтириб ўтилганлар ушбу қарорнинг асосий моҳиятини ташкил қилади. Ўз-ўзидан аёнки, буларнинг барчасини амалга ошириш “Рақамли иқтисодиёт-2030 стратегияси” доирасида рақамли технологияларни почта фаолияти жараёнига фаол тадбиқ этиш асосида амалга оширилади. Хужжатга мувофиқ, почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш билан шуғулланадиган яхлит бир тизим яратилади ва у орқали почта бўлимларида бир қанча муҳим давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилади. Шу жумладан, СТИР аниқлаш, юридик шахслар, жисмоний шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномани олиш, никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисидаги маълумотномани олиш, фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ҳисобга олиш, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш, судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотномаларни олиш учун ариза юбориш, фуқароларнинг номида шахсий уй-жойи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш ва шу каби бир қанча бошқа вазифалар почта хизмати томонидан кўрсатила бошланади. Почта бўлимлари ҳузурида интерфаол электрон ҳукумат хизматлари асосида кўп спектрдаги маълумотномалар ва хужжатларни шаффоф тарзда олиш жараёни ташкил этилади ва бу, ўз навбатида, бир қанча соҳалардаги коррупция ҳолатларига кескин зарба бўлиб тушади. Шу билан бирга қарорда почта хизмати бўйича янги лойиҳа-

ларнинг молиявий манбаалари ва эришил-диган натижалари ҳам аниқ кўрсатилган. Масалан, қарорнинг амалга оширилиши натижасида 267 та почта алоқаси бўлими биноси таъмирланади, 110 та бино давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қурилади, 326 та почта алоқаси бўлимигача 754 км оптик толали алоқа линиялари тортилади, 250 та почта алоқаси бўлими замонавий компьютер техникаси ва мобил қурилмалар билан таъминланади, 42 та туман почта алоқаси боғламасида “Гибрид почта” жўнатмаларини чоп этиш ва унга ишлов берган ҳолда олувчиларга етказиб бериш йўлга қўйилади, 230 та почта алоқаси бўлимида банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилади ҳамда 55 та қўшимча почта алоқаси бўлимини очиш ҳисобидан 145 та янги иш ўрни яратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақамли технологияларга ўтиш жамиятни тараққиётга олиб борадиган энг қисқа йўлдир. Бу фикр, почта алоқасининг ривожланишига ҳам таъаллуқлидир, албатта. Мамлакатимиз “Ҳалқаро АКТни ривожлантириш индекси” бўйича 2020 йилда сезиларли равишда юқорига кўтарилган бўлсада, биз жаҳон миқёсида ҳали-ҳануз орқа ўринлардамиз. Айни кезде бутун рақамли иқтисодиётнинг (шу жумладан почта хизматининг ҳам) 90 фоиздан ортиғи тўққизта компания - **Apple, Google, Facebook, Amazon, Microsoft** ва Хитойнинг яна тўртта компанияси томонидан бошқарилади. Бугунги кундамамлакатимизда, биринчи навбатда, рақамли иқтисодиёт асосида давлат хизматларини, шу жумладан, почта хизматини ривожлантиришда туб бурилишни, яъни почта хизматининг фаолиятни бошқарувчи электрон платформасини, бу йўналиш бўйича маҳаллий ва хорижий илмий-амалий ишланмалар базасини яратиш, соҳа электрон хизматлари асосида коммунал хўжалик, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, соғлиқни сақлаш, таълим, кадастр ва архив ишлари соҳаларида аҳолига зарур бўлган маълумотномаларни тезкор тарзда етказиб бериш ва тегишли хизматлар кўрсатишни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда рақамли иқтисодиётнинг улуши ялпи ички маҳсулотда икки фоиздан ошмайди. Аслида эса жаҳон миқёсида етти-саккиз фоиз ўртача ва мақбул кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткични оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар-

дан бири АКТ соҳасига инвестициялар жалб қилиш суръатининг анча пастлигидир. Масалан, www.review.uz портал маълумотида кўра, 2017-2019 йилларда Ўзбекистонда АКТ соҳасига ҳар йили ўртача 200 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Айни вақтда бу йўналишга АҚШ 1,3 триллион доллар, ХХР эса 4 миллиард 990 миллион доллар сарфлаган. **IDC** (ҳалқаро бозорда ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларининг илмий тадқиқоти билан шуғулланган компания) мутахассисларининг таҳлилий ҳисоб-китобларига кўра, дунё бўйича АКТ харажатлари ҳар йили 3,8 %га ўсади ва 2023 йилга бориб, 4,8 триллион долларга етади. Агар ушбу омилга эътибор берилмаса, рақамли иқтисодиёт бир жойда депсиниб тураверди. Бу эса албатта, қарор бўйича режалаштирилган почта хизматларининг сифатига салбий таъсир қилмай қолмайди. Камчиликлар қанчалик тез бартараф этилса, жамият тарққиёти, шу жумладан, почта тизими тараққиёти ҳам шунчалик жадаллашиши мумкин. Бундай ҳолатда, биринчи навбатда, интернетнинг секин ривожланаётгани билан бирга,ликда унинг юқори нархи масаланинг заиф томонлари сирасига киради. Айнан шу ҳолат мамлакатлар ўртасидаги рақамлаштириш даражасидаги улкан тафовутда кўринади. 2018 йилда интернет тезлиги 10 маротаба — 120 дан 1200 Гбит/с гача ошганига қарамай, 2019 йилда Ўзбекистонда интернетнинг ўртача тезлиги (мобиль ва белгиланган кенг полосали алоқа) МДХ кўрсаткичларига нисбатан деярли икки баравар паст эди. Провайдерлар учун интернет тарифлари нархи 2019 йилда 1 Мбит/с учун 8,5 долларни, 2020 йил 1 январдан 56 минг сўм (5,8 доллар)ни ташкил этди. Тўғри, нархда сезиларли пасайиш содир бўлган. Бироқ интернетнинг дунёдаги ўртача баҳоси 1 Мбит/сучун 4доллар ҳисобланади.

Почта тизими тараққиётида муҳим рол ўйнайдиган оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги борасида ҳам ортда қолмоқдамиз. 2013 йил билан таққослаганда, уларнинг узунлиги 2019 йилда уч баравар кўпайди ва 36,6 минг километрга етди. Аммо мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳалари қаторида, муҳокама қилинаётган қарор доирасида почта хизматини ривожлантириш учун ҳам бу қаноатлантирадиган кўрсаткич эмас. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, аҳоли маиший ва иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган мобил алоқа таянч

станциялари сони ҳам бизда жуда кам. Мамлакатимизда 1600 кишига бита таянч станция тўғри келади. Масалан, Қозоғистонда бита шундай станция 643 фуқаронинг, Россияда эса бу кўрсаткич 235 кишининг АКТ га бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт тараққиётининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг асосида почта алоқасини такомиллаштириш, биринчи навбатда, мобиль алоқа тизимини кўнгилдагидек йўлга қўйишдан бошланади. АКТнинг асосий инфратузилмаси кўламини, оптик толали алоқа ва кенг поласали симсиз уланиш қамровини кенгайтириш, иқтисодий жараёнларга интернет билан боғлиқ илғортехнологияларни кенг жорий қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай технологиялардан бири бошқарув, турли хилдаги хизматлар кўрсатиш ва булар билан боғлиқ ҳисоб-китоб оламини бошқарувчи блокчейн тизимидир. У қаерда жойлашганидан қатъий назар, кўплаб рақамлар транзакциясини автоматик равишда ёзиб бориш ва қиёслаб тасдиқлаш, яъни верификация қилишга қодир бўлган глобал реестрдир. У тармоқларнинг аксарият қисмини ўзгартириш салоҳиятига эга: пул билан боғлиқ операцияларни автоматлаштириш- эски янгилик, аммо почта хизмати кўрсатиш каби мажбуриятларни автоматизация қилиш – бу катта бизнес. Ушбу жараёнлар реал вақт режимида бошқарилади, мониторинг ва назорат қилинади. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланиш аниқ ва керакли натижаларни беради. Рақамли технологияларнинг бошқа омиллари сингари блокчейн амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг шаффофлигини таъминлашда жуда ката имкониятлар яратади. Бу эса кўплаб коррупция ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишга, маблағларнинг ўз вақтида, ўз ўрнида ва аниқ мақсадлар учун ишлатилишига ёрдам беради. Албатта сифатли почта хизматини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим бир бўғинлардан бири – рақамли электрон логистика хизматидир. Мавжуд логистика платформаларидан фойдаланган ҳолда мукамал почта логистикасини ишга тушириш катта иқтисодий фойда келтириши ва бу почта хизматини диверсификациясига олиб келиши мумкин бўлар эди. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил 5 октябрь куни имзоланган

Фармон (ПФ-6079)нинг “Рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари” деб номланган 2-боби “Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да логистика тизимини такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида рақамли логистика тизимига босқичма-босқич ўтиш тадбирларини амалга ошириш белгилаб берилганлиги ушбу масалани ҳал этилишида муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ҳозирги давр олдимизга қўяётган марраларга эришиш учун почта соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, почта хизмати билан боғлиқ дастурий маҳсулотлар саноатини (платформалар, мобил иловалар, дастурлар ва бошқаларни) ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 17 мартдаги “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни турли соҳаларда жорий этиш борасидаги яна бир муҳим ва амалий қадам бўлди. Биз давлат органларининг ахборот тизимлари интеграцияси ва киберхавфсизлигини кафолатлаш, почта хизматлари маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш (экспорт қилиш)ни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни барқарорлаштирадик, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, почта хизмати фаолиятида электрон ҳужжат айланишини қанчалик тез жорий этсак, шаффоф почта хизматини ривожлантириш даражасини оширсак, кўзда тутилган мақсадларга шунчалик тез эришамиз.

Рақамли иқтисодиёт асосида почта ишини фаол равишда амалга ошириш хўжалик юритишнинг илғор замонавий шакли бўлиб, ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг асосий омили сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуи ва уларни қайта ишлаш жараёнига хизмат қилади. Олинган натижаларни амалиётда қўллаш эса анъанавий почта хизмати шакллариغا нисбатан каттагина самарадорликка эришишга имкон беради. Хат-хабар ва посилкаларни автоматик етказиб бериш жараёнини, булутли технологиялардан фойдаланишни, маълумотларни масофавий усулда етказиб бериш каби хизматларни кўрсатишни, ақлли технологиялар ёрдамида почта маълумотларини қайта ишлаш ва уни етказиб беришни, почта орқали турли товарларни етказиб бериш жараёнларини мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳозирда, яъни пандемия шароитида уларга эҳтиёж

янада ортган ва товар айланмаси ҳам шунга яраша ошмоқда, аммо умумий почта хизматларидаги ҳиссаси эса ҳали сезиларли даражада, деб бўлмайди. Мамлакатимизда почта хизматида рақамли иқтисодиётнинг самарали ривожланиши учун энг муҳим шартлардан бири унга мос келувчи институционал муҳитни шакллантириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу албатта почта хизматига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирокида почта хизматида ақли маълумотлардан фойдаланиш ҳақидаги фанлар, почта тизими билан боғлиқ улкан маълумотлар (бигдата) базалари билан ишлаш, сунъий интеллектни почта хизматларига тадбиқ қилиш каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда тегишли ўқув муассасаларидаги алоқа билан боғлиқ ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли почта хизматлари соҳасидаги ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Шу ўринда АҚШнинг бу соҳадаги стратегиясига эътибор қаратадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ташкил қилиш жараёнини тўрт асосий қисмга ажратиш мумкинлиги маълум бўлади: а) Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилиши (яъни, тегишли норматив-ҳуқуқий база ташкил қилиш); б) бу соҳага трансформация қилинишга энг тайёр иқтисодиёт субъектларида рақамли иқтисодиёт платформаларининг вужудга келиши ва глобал миқёсда ишга тушиши; в) рақамли иқтисодиёт платформаларининг ўзаро рақобат кураши ва аста-секинлик билан уларнинг интеграциялашувининг амалга ошиши; г) рақамли иқтисодиёт соҳасидаги энг истиқболли ечимларнинг бутун иқтисодиётга жорий қилиниши. Мамлакатимизда почта хизмати билан боғлиқ рақамли иқтисодиётни тараққий эттиришда юқоридаги каби ривожланган мамлакатларда синовдан ўтган худди шу каби стра-

тегияларни ўрганишнинг фойдаси катта. Чунки уларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда катта тажриба тўпланган. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоиз ўсиши мамлакатда ЯИМ ҳам сезиларли равишда ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоиз атрофида. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми ҳам қарийб 1,5 фоиз ошишига эришиш мумкин экан. Тавсиф этилаётган қарорда белгиланган кўрсаткичларга эришишда мутасадди вазирликлар ёки йирик компаниялар рақабарлиги остида почта хизмати учун индустриал рақамли платформалар яратиш энг оқилона қадам ҳисобланади. Бундай платформалар рақамли почта хизматининг тез суратларда ривожланиши ва унга мос келувчи технологияларнинг кенг тарқалиши учун зарур инфратузилма пойдеворни ҳосил қилади. Рақамли почта платформалари тузишда телекоммуникациялар, энергетика хизматлари, транспорт хизматлари, логистика хизматлари, почта маълумотларини қайта ишлаш, туризм билан боғлиқ ёзишмалар ва етказмалар, ташқи иқтисодий ва сиёсий фаолият билан боғлиқ почта хизматларига алоҳида эътибор берилади. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши замонавий почта хизмати инфратузилмасини ва унинг технологик базисини яратишга имкон беради.

Хулоса. Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Президентимизнинг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган вазифаларни ва бу билан боғлиқ давлат дастурида белгиланган кўп вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши бу борадаги жараёнларни янги босқичга кўтаради. Мамлакатимизда рақамли почта хизматининг энг замонавий турларининг жадаллик билан жорий этилиши турмушимизни яхшилайдиган, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайдиган ҳамда юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориб, почта хизматлари соҳасида тезкор инновацион тараққиётни таъминлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон қарори.
2. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони.
3. “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги ПҚ-4642-сон қарори.
4. Gulyatov S.S., Auycrov R.H. Миллий иқтисодиётда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг стратегик аҳамияти. Тошкент, www.UzA.uz, УзМАН – Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги «Электрон журнали», УзМАН Ахборотномаси, 2019 йил октябрь, №1. 11 бет.

5. Gulyatov S.S., Auurov R.H. Raqamli iqtisodiyot va uning asosiy rivojlanishi iynalishlari. UzP Statistika Kumitasi elektron jurnali, 2019 йил ноябрь, 2-сон. 10 bet.
6. Auurov R.H., Tursunov S.Q. Raqamli texnologiyalar: innovatsiyalar va rivojlanish istiqbollari. –Toshkent, Nodirabegim nashriyoti, 2020 yil. -376 bet.
7. Отакузиева З.М. Развитие и государственная поддержка цифровой экономики в странах мира «Рақамли иқтисодиёт: замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг материаллари тўплами, 1 май 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, – 200 бет, 2-қисм, 173-177 бетлар.
8. Отакузиева З.М. Рақамли иқтисодиёт ва Ўзбекистонда унинг ривожланиш тенденциялари “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil, (№ 00046) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>.
9. PawełDrożdziel. Optimization of the Post Logistics Network and Location of the Local Distribution Center in Selected Area of the Lublin Province. Procedia Engineering, Volume 192, 2017, Pages 130-135.
10. Opeyeolu Timothy Laseinde, Khumbulani Mpfu. International Journal of Logistics Report and Applications. Providing solution to last mile challenges in postal operations. Opeyeolu Timothy Laseinde ORCID Icon &Khumbulani Mpfu ORCID Icon. Pages 475-490 | Received 16 Apr 2016, Accepted 24 Jan 2017, Published online: 19 Feb 2017. Download citation <https://doi.org/10.1080/13675567.2017.1288712>.

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА В РАМКАХ КОНЦЕПЦИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ГОСУДАРСТВА

**Умарова Наргиза Халдаровна -
Ташкентский государственный экономический
университет, старший преподаватель
Одилова Дилноза Барнаевна -
Ташкентский государственный экономический
университет, старший преподаватель**

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётга ўтишининг турли жиҳатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришининг шартлари ва истиқболлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, кредит, электрон тижорат, глобализация.

Аннотация. В данной статье анализируются различные аспекты цифровизации, а также условия и перспективы развития цифровой экономики в Республики Узбекистан.

Ключевые слова: электронное правительство, цифровая экономика, кредит, электронная коммерция, глобализация.

Annotation. This article analyzes various aspects of digitalization, as well as the conditions and prospects for the development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan.

Key words: e-government, digital economy, credit, e-commerce, globalization.

Введение. Мир меняется на наших глазах. В постиндустриальном обществе (при переходе к шестому технологическому укладу) цифровые технологии постепенно становятся неотъемлемой частью каждой сфер повседневной жизни. В современном мире управление любой системой без широкого применения средств информационного и компьютерного обеспечения невозможно назвать эффективным. За последние двадцать лет информационные сети, такие как Интернет, укрепились не только в сфере частной связи - они стали одним из основных способов корпоративной и региональной коммуникации. В наше время трудно представить функционирование всех сфер жизни без помощи электронных, компьютерных, сетевых и множества других важных автоматизированных технологий. Начиная с общения и приобретения покупок и заканчивая производством товаров и самостоятельной работой фирмы - всё перехо-

дит в цифровую среду. Человечество вступило в эпоху глобальных перемен. В ближайшее время получат новую форму и содержание основные сферы его жизнедеятельности – экономика и управление, наука и безопасность. Человек станет другим, что повлечет за собой трансформацию социальных отношений. Дальнейшее проникновение цифровых технологий в жизнь - одна из характерных особенностей будущего мира. Это обусловлено прогрессом в областях микроэлектроники, информационных технологий и телекоммуникаций.

В настоящее время приняты базовые программные и стратегические документы, определяющие направления развития цифровой экономики и развития информационного общества в Республике Узбекистан. 2020 год был объявлен *Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики*. В ходе послания парламенту 24 января президент **Шавкат**